

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

20~~22~~ йил - 31. 01 1006 -сонли

санч. уч.
(шартнома тузилган жоми)

Санаруадау ХЭТК 6-бүрзод үзагд (Электр энергияси билан таъминловчи ташкилот номи)

(кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) нинг Чизом
асосида фаолият юритувчи раҳбари С. Истемолчуков бир
тарафдан ва Санч. давлати музоеи - йўриғони
(Электр энергияси истеъмолчусининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Чизом
асосида фаолият юритувчи раҳбари С. Истемолчуков
иккинчи тарафдан тизимдаги шахсий хисоб варакаси - 1006, ушбу
шартномани куйидагилар хакида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона Истеъмолчига уланган электр
тармоклари оркали Электр энергиясини (кейинги ўринларда “Энергия” деб
юритилади) етказиб бериш мажбуриятини, Истеъмолчи эса кабул килинган
Энергия ҳакини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган саноат ва уларга
тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна аввалдан
буортма берилган ёки ягона электр энергетика тизимининг максимум
юкламали соатларида катнашувчи амалдаги максимал ҳар бир кВт кувват
(кейинчалик “Кувват”) учун ҳам ҳак тўлайдилар.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми
1000 кВт.с.ни ташкил килади.

2.2 Етказиб бериладиган Энергиянинг шартнома тузилган кундаги
амалда бўлган тариф бўйича умумий нархи 650 сўмни,
Кувватнинг нархи 1800 000 сўмни ташкил этади.

2.3 Истеъмолчига етказиб бериладиган Энергиянинг ойма-ой бўлинган
йиллик ҳажми ва аввалдан буортма берилган Кувват ушбу шартноманинг
1-иловасида кўрсатилган.

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия
(Кувват) микдори Энергияни (Кувватни) хисобга олиш приборлари
кўрсаткичлари асосида аникланади (2-илова).

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил
24 декабрдаги 277-сонли карорининг I-иловасидаги “Табиий монополиялар

субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истемолчилар" учун етказиб бериладиган Энергиянинг йиллик минимал хажми 1000 кВт.с.ни ташкил қиласди.

III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун Истемолчи ва Корхона ўртасида ўзаро хисоб-китоб қилиниши керак бўлган давр бир ойни ташкил этади.

3.2 Корхона ва Истемолчи ўртасида хисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив Энергия хамда Кувватнинг хисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасидаги хисобга олиш нукталарида амалга оширилади (3-илова).

Агар Энергия(Кувват)ни хисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисмидаги Энергиянинг технологик сарфи хажми Истемолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали далолатнома тузилган холда (4-илова) аникланади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ёки Истемолни хисобига ўтказилади.

3.3. Корхона Истемолчи билан биргаликда ҳар ойда Энергия ва Кувватнинг ҳақиқий сарфини аниклаш учун хисобга олиш приборлари кўтептичларини қайд этади. Истемолчи томонидан худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича чопар орқали ёки факсимильтошкаро ёхуд электрон почта алоси орқали тақдим этилган электр энергияси ва куввати сарфи тўғрисидаги хисботот хам истемол қилинган электр энергияси ва кувватнинг амалдаги хажмини аниклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, Электр энергияси истемолини хисобга-олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизими мавжуд ҳолларда кувват учун хисоб-китоб, энерготизимнинг максимум юклама соатларидаги Истемолчининг максимум юкламасини ҳар ярим соатлик интервалларда бирлаштириб аниклаш эвазига амалга оширилади.

3.4 Корхона ҳар ойда Истемолчи билан биргаликда хисобга олиш приборлари кўтептичларини қайд этиш билан бир вактда, хисоблагичларнинг завод ракамларини хамда амалда истемол қилинган Энергия хажми тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган холда хисботни расмийлаштиради (5-илова).

3.5 Хисбот асосида Корхона тегишли хисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истемолчига хисоб-фактурани тақдим этади.

Истемолчидаги тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда хисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура ёзилади.

3.6 Хисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни хисобга олганда Истемолчининг карздорлиги аникланса, Корхона Истемолчининг хизмат кўрсатувчи банкига акцептли тўлов талабномаси юборади.

3.7 Хисобга олишни назорат килиш приборлари кўрсаткичлари ёзib олинмаган ёки Энергия (Кувват) сарфи тўгрисидаги хисобот шартномада белгиланган муддатда Истемолчи томонидан такдим этилмаган тақдирда Корхона томонидан Энергия (шу жумладан актив ва реактив энергия) ва Кувватни истемол килишнинг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган давр учун Энергия (Куввати)ни истемол килишнинг ўртacha амалдаги микдори тўгрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади.

Бунда хисобга олишнинг назорат килиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида ёзб олингандан кейин амалда истемол килинган Энергия (Кувват) учун қайта хисоб-китоб килинади, бу Истемолчи ёки Энергия (Кувват)ни истемол килишнинг ўртача амалдаги микдори тўгрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади.

Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкга белгиланган тартиба тўлов талабномаси ва хисоб-фактурани такдим этади.

3.8 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карори билан тасдикланган "Электр энергияси истемолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар тартиби тўгрисида"ги Низомга, Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларига мувофик, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдикланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Истемолчининг тариф гурухига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Электр ва иссиқлик энергияси истемолчиларининг тариф гурухлари тўгрисида"ги Низомга мувофик белгиланади.

3.9 Истемолчи келгуси хисоб-китоб даври учун давр бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми кийматининг камида 50 фоизи учун ҳак аванс тарикасида тўлангандан кейин амалга оширилади.

3.10 Истемолчи хисоб-китоб даврида истемол килган Энергия ва Кувват учун тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга кадар амалга оширади.

3.11 Истемолчининг Энергия (Кувват) учун, шунингдек жарима санкциялари, реактив энергия ва кувват компенсацияси учун тарифга устамалар, ноконуний фойдаланилган Энергияси қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

3.12 Энергия (Кувват) истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш, олдиндан ҳак тўланган ҳажимда амалга оширилади.

3.13 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳак тўлайди.

Бунда тариф ўзгарган тақдирда, Истеъмолчи Энергия (актив, реактив энергия ҳам шу жумлага киради) ва Кувватнинг аванс билан тўланган ҳажми учун, бирок тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ортик бўлмаган вактда кўшимча тўловлар тўлашдан озод этилади.

3.14 Истеъмолчи томонидан тўловлар Корхонанинг барча турдаги банк хисоб ракамларига пул маблагларини ўтказиш ёки амалдаги қонунчиликда рухсат этилган тартибда амалга оширилади.

3.15 Агар уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчи Энергиянинг бир кисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчининг энергетика тизимини максимум юкламали соатларидағи юкламаси миқдорига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳак тўлайди.

3.16 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги хисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирма далолатномасини тузади.

Истеъмолчи солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, карзни ундириш шартномавий ҳажмдан келиб чиқсан холда Истеъмолчининг банкдаги хисоб ракамига тўлов талабномасини кўйиш йўли билан амалга оширилади.

3.17 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) хисоб-китоб даврида шартномавий ҳажмдан кам истеъмол килинса, олдиндан тўланган маблаглар кайтарилимайди ва кейинги хисоб-китобларда инобатга олинади.

3.18 Тўлов хужжатларида хатолар, ҳамда хисобга олиш приборларида носозликлар ёки кўрсатгичларида ноаникликлар аниқланган тақдирда, Истеъмолчи Корхонага дарҳол мурожаат килиш керак.

Корхона, Истемолчи мурожаат килган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, хисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса хисобга олиш приборини кўрикдан ўтказиши керак.

3.19 Энергияни хисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вактинчалик бузилганда етказиб берилган Энергия учун хисоб-китоб Корхонанинг карори бўйича, хисобга олиш бузилишинга кадар бўлган олдинги хисоб-китоб давридаги ёки хисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртacha суткали сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткали сарфи бўйича хисоб-китоб килиш даври бир оидан ошмаслиги керак, шу вакт ичидаги хисобга олиш тикланиши зарур.

Агар хисобга олиш приборини, объектив сабабларига кўра, кўрсатилган муддатда (ток трансформаторининг, хисобга олиш приборининг йўклиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, Истемолчига етказиб берилган Энергия учун хисоб-китоб килиш тартиби ва хисобга олишини тиклаш муддати Истемолчи ва Корхонанинг икки томонлама битими билан белгиланиши керак.

3.20 Хисобга олиш прибори Истемолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), хисобга олиш приборини уланиш схемаси ўзгарган, хисобга олиш приборидан ташкари электр кабул килгичлар уланган ёки Энергия бошкача усулда ўтирганга холларда, Корхона далолатнома асосида Истемолчини электр тармоғидан узиб кўяди.

Ноконуний истемол килинган Энергия сарфи ўрнатилган тартибда аникланади.

Ноконуний фойдаланилган Энергияни кайта хисоб-китоб килиш Корхона томонидан, Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларида белгилангандан тартибда, мазкур Коидалар бузилишига йўл кўйган Истемолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд иштироксиз амалга оширилиши мумкин.

Бунда коида бузиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб уч кун муддатда Корхонанинг қарорига эътиroz билдирган Истемолчининг аризаси кўриб чикилади.

Кайта хисобланган Энергия сарфи асосида Корхона З иш куни мобайнида Истемолчига тўлаш учун кўшимча хисоб-фактура ёзиг беради, ҳамда хизмат кўрсатувчи банкга тўлов талабномаси юборади.

Истемолчи кўшимча тўлов кужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани конун асосида мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Ягона электр энергетика тизимида Энергия(Кувват) танқислиги юзага келган холда, чеклаш ва узиб кўйиш жадваллари асосида Энергия(Кувват) истемоли бўйича чеклашлар конунда белгилангандан тартибда киритилади.

4.2 Электр тармоклари объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан бөглиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, Истемолчи билан келишмасдан ва уни олдиндан огохлантирмасдан, бирок уни дархол хабардор килган холда, Энергия узатишда узиб кўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Электр манбайдан узиб кўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (максус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида карздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳак тўланмаганилиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлик узиб кўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.4 “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари”ни бузганлиги учун тармоқдан ажратилган Истельмолчининг электр қурилмаларини электр тармогига қайтадан улаш ва Энергияни етказиб бериш Истельмолчи томонидан “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари” бузилган холатлари бартараф этилгандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2011 йил 16 августда 2255-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истельмолчиларининг электр қурилмаларини электр тармокларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган тўловлар тўлангандан сўнг, ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истельмолчининг ҳукуклари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармокларининг бўлиниш чеграсига шартномада кўрсатилган микдорда етказиб берилишини талаб қилиш;
- в) электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чеграсида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларига жавоб беришини талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоклари обьектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб кўйишгача камида 3 сутка олдин огохлантиришни талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли микдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда, жорий ой тугашидан камида 10 кун аввал берилган талабнома асосида Энергиянинг шартномавий микдорини ўзгартиришни талаб қилиш;
- е) олдиндан ҳак тўланган ёки тўланмаганилигидан катъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш юзасидан ўзгартиришни талаб қилиш;
- ж). Корхона томонидан Энергия тўлик етказиб берилмаганилиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган энергия етказиб

берилганлиги сабабли етказилган заарнинг ўрни белгиланган тартибда копланишини талаб килиш.

5.2 Истельмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергия (Кувват) учун мажбурий олдиндан тўловларни ва якуний хисоб-китобларни шартномада белгиланган муддат ва микдорларда амалга ошириш;
- в) Электр курилмаларининг зарур техник ҳолатини ва "Истельмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килишда ҳавфсизлик техникаси консалтинг"га риоя килиниши, ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- г) 7-иловага мувофик компенсация курилмаларининг ишлаш режимига (реактив Энергия ва Кувват истельмоли) риоя килиш;
- д) энергетика тизимининг максимал юклама соатларида талаб этилган Кувват микдорини оширмаслик.
- е) йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин Энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;
- ж) келгуси йил учун Энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда Энергияни электр тармокларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жаравёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга Энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармокларига уланган субистельмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Истельмолчи Корхонанининг талабига кўра куйидагиларни хисобга олиши ва натижалари хақида Корхонага хабар бериши шарт:

- истельмол килинаётган Энергия(Кувват)нинг суткалик, ойлик сарфлари;
- ягона электр энергетика тизимининг максимал ва минимал юклама даврида реактив энергия(куват)нинг ҳар суткалик сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламасини ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дакикадаги сарфи.

5.3 Корхонанинг хукуклари:

- а) Истельмолчидан шартномада кўрсатилган шартномавий мажбуриятларни бажарилишини талаб килиш;
- б) хисоб-китоб даврининг хоҳлаган кунига ўзаро хисоб-китоблар солиширив далолатномасини тузишни талаб килиш;

в) Куйидаги холларда Истельмолчига Энергияни етказиб берилешини тұхтатиб күйиш ва оқибатлари учун жавобгар бўлмасликга:

- Энергия (Кувват) шартномавий міндордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истельмолининг белгиланган режими бузилганда;
- электр таъминоти шартномасини тузмасдан (узайтирмасдан) Энергия истельмол қилинганда;
- “Ўзстандарт” агентлиги томонидан киёслашдан ўтказилган Энергияни хисобга олиш приборлари бўлмаганда ёки хисобга олиш приборларининг киёлаш муддати ўтиб кетганда;
- Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган міндорда ва муддатларда тўловлар амалга оширилмаганда;
- Корхона тармоқларига Истельмолчининг электр кабул килгичлари ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган міндордан ошириб юборилганда;
- электр кабул килгичлар хисобга олиш приборларидан ташкари уланганда ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда ва/ёки хисобга олиш приборлари ўзбошимчалик билан жойидан кўчирилганда;
- Корхона вакили хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда;

г) Реактив энергия ва кувват ўрни етарлича тўлдириласлиги хисобига кувват коэффициентининг норматив киймати истельмолчилар (маиший истельмолчилардан ташкари) томонидан кўллаб-кувватланмаслиги аникланганда худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан, конун хужжатларида белгиланган тартибда, электр энергияси ва актив кувват истрофарчилиги кийматининг техник-иктисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истельмолчилардан кўшимча маблаг ундирилади.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарish;
- б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
- в) Истельмолчига Энергияни етказиб беришининг тұхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида ёзма равишда маълум килиш;
- г) жорий этиладиган чеклашлар хакида, чеклашнинг ҳажми ва вактини кўрсатган холда, ўз вактида ёзма равишда хабар килиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли микдорда етказиб берилмаганини ёки электр таъминотидаги бошка коида бузилишлари хакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, коида бузилишларини бартараф этиш чораларини кўриш ва Истеъмолчига жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик 5 кун муддатда ойлик шартномавий микдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) имконияти бўлмаган тақдирда эса, бу хакда Истеъмолчига рад этиш сабабини кўрсатган холда хабар бериш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган холларда, Корхона шу туфайли етказилган заарнинг, Истеъмолчи эса етказилган хакикий заарнинг ўрнини коплаши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган ёки Энергия шартнома микдорининг 5 фоизидан ортик микдорда етказиб берилмаган холларда, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли хажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли хажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

6.3 Истеъмолчи етказиб берилган Энергия учун ўз вактида хак тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) микдорида, лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорда шарти билан пеня тўлайди.

Пеня хисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганданидан кейин бошлаб хисобланади.

6.4 Истеъмолчи хисобот даврида шартномавий микдордан 5 фоиздан ортик Энергия истеъмол килганда, шартномавий микдордан ортиқча истеъмол килинган Энергия хажми учун амалдаги тарифнинг 50 фоизи микдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган холатлар бундан мустасно).

6.5 Агар Энергиянинг ушбу шартномада белгиланган тегишли микдори учун олдиндан хак тўланган бўлса, Истеъмолчининг таклифига биноан хисоб-китоб даври тугашидан камида 10 кун олдин кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий микдорларига киритилган ўзгартиришлар,

шартномада белгиланган микдордан кўп истемол килинган Энергия сарфи деб хисобланмайди.

6.6 Корхона кўйидаги холларда Истемолчи олдида молдий жавобгар хисобланмайди:

- Истемолчи Энергия истемолининг белгиланган режимига риоя килмай, Энергия истемоли ёки Кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйиб хамда Корхона томонидан белгиланган Энергия истемолини чеклаш жадвалини бажармаганлиги натижасида баъзи суткаларда паст сифатли Энергия стказиб берилган холлар юзага келса;

- захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезлик ўчиришларнинг ишлаб кетиш вақтларида Энергияни стказиб беришдаги танаффуслар юзага келган холларда.

6.7 Истемолчининг амалдаги юкламаси ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламали соатларида шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортик бўлган тақдирда, хисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча кисми учун белгиланган тарифининг 100 фоизи микдорида жарима ундирилади.

Кўшимча Кувватга хак тўланиши келгусида хар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортик Кувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Коидабузарлик учун электр тармогидан узилган Истемолчи электр курилматарини электр тармоқларига кайтадан улаш учун Истемолчи томонидан амалга оширилган тўловлар уни "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"ни бузилганлиги учун конун хужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод килмайди.

VII.ФОРС-МАЖОР

7.1 Тарафлар шартномани форс-мажор холатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, кургокчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган хисобланади.

8.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

8.2 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартноманинг амал килиш муддатининг охирги ойида тарафлардан бири уни бекор килиш ёки ўзгаририш хакида мурожаат килмаса, у шартномада назарда тутилган

муддатга ва шартларда узайтирилган хисобланади. Бундай ариза шартнома амал килиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

8.3 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл кўйилади.

8.4 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли карори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш Коидалари” ва бошка конун хужжатлари билан тартибга солинади.

8.5 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиккан тақдирда, тарафлар, коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

8.6 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига мувофик, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради), бюджетдан маблаг олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг газни ижроси Коидалари”га асосан амал килиш муддати “31”декабрь 2019 йилгача белгиланади.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда судда ҳал қилинади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеммолчи:

Почта манзили Сайсарадаң ж. м. жүз ді-тұрақты
Хисоб раками 23462000 Зеңіс 00000
Банк коди (МФО) 00014 СТИР (ИНН) 201122919
Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирувчи истеммолчилар учунын
Бюджет жамғармасининг хисоб раками 100021860184017082200245001
Банк коди (МФО) 00014 СТИР (ИНН) 201007767
Нобюджет жамғармасининг хисоб раками 400121860184017017200245001
Банк коди (МФО) 00014 СТИР (ИНН) 201007767
Телефонлар: _____
Факс: _____

(Истеммолчининг телефонлари, жумладан раҳбарларининг узлы телефонлари)

Статистик кодлар:

ХХТУТ (ОКОНХ) 91020
ДБИБТ (СООГУ) 15730626
МИОБТ (СОАТО) _____
МШТ (КФС) 213
ТХШТ (КОПФ) 270
КТУТ (ОКПО) _____

Корхона:

Почта манзили Катта Ерзак Өндірілгендер
Хисоб раками 22636 000 002611704377
Банк коди (МФО) 00317 СТИР (ИНН) 200613520
Телефонлар: _____, Факс: _____
Статистик кодлар:
ДБИБТ (СООГУ) —
МИОБТ (СОАТО) —

ИСТЕММОЛЧИ:

*Сайсарадаң ж. м. жүз ді-тұрақты
о. сауда менеджері*
Жаныбай
Сана Ф.И.О. шизо

КОРХОНА:

Жаныбай
Сана Ф.И.О. шизо

Хукукшунос холосаси: *Шоғынтақ қызынан тәжілдері жөндеуден
түшеган. көрнешін жүзүнши жүніндердің жөндеуден
табада 5-ке рет*

Жаныбай (имзо) *Н. Шарипов* (Ф.И.О.)

Узбекстан

Жаныбай Родикова

Электр таъминоти бўйича
намунивий шартномага
I-илова

Етказиб берилётган Энергия (Кувват)нинг микдори

1. Тариф гурухи

Сурʼуз

IV

2. Фаолият тури

3. Истъмолчининг электр курилмаларини уланган куввати: 220 кВА, (кВт)

4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича): _____

Аввалида н буортм а берилга н Кувват, кВт	Энергия микдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гурухлари бўйича				
		1	2	3	4	5
Иил, жами I чорак Январ Феврал Март			<u>4000</u>		<u>6000</u>	
			<u>2000</u>		<u>2000</u>	
			<u>1000</u>		<u>1000</u>	
			<u>1000</u>		<u>1000</u>	
II чорак Апрел Май Июн						
III чорак Июл Август Сентябр						
IV чорак Октябр Ноябр Декабр						

2-устун Икки ставкали истъмолчилар томонидан тўлдириллади.



Истъмолчи

Мансур

Имзолар:



Корхона

Мансур

Электр таъминоти бўйича
намунаий шартномага
2-илова

Энергияни хисобга олиш приборларини ўриятиш жойлари ва характеристикалари.

Истеммолчи, субистеммол- чининг хисобга олиш приборларини ўриятиш жойлари. Туре ва кучланышни (кВ) кўрсатган холда	Хисобга олиш прибор- ларининг тури (актив, реактив), (номинал ток)	Хисобга олиш прибор- ларининг тартиб раками	Хисобга олиш прибор- ларидаги клемма көлкогин инг тамга раками	Ўлчов трансфор- маторларининг ўзгариш коэффици- ентлари	Хисоб- лаш коэффи- циенти	Шартно- мани тузиш вактида хисобга олиш прибор- ларининг кўрсаткич- лари	Тариф	Истеммол- чининг фаолият турининг соҳа бўйич коди

Имзолар:



Истеммолчи
Марз.
Ф.И.О.



Ф.И.О.

Электр таъминоти бўйича
намунивий шартномага
З-илова

ДАЛОЛАТНОМА

хизмат кўрсатиш чегаралари хамда тармоклар ва электр жиҳозларининг эксплуатация
холати учун жавобгарликни белгилаш бўйича

1. Истеммолчининг балансида куйидаги электр курилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари бўй

б) кабел линиялари бўй

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари бўй

2. "Истеммолчи" ва "Корхона" ўртасидаги тармоклар ва электр жиҳозларининг
эсплуатация холати учун жавобгарлик чегараси электр курилмаларининг баланс
мансиублиги бўйича аникланади:

3. Улардан:

а) Куйидагиларга «Истеммолчи» томонидан хизмат кўрсатилади

б) Куйидагиларга Электр таъминоти корхонаси (ТЭТ) томонидан истеммолчи билан
шартнома бўйича хизмат кўрсатилади

4. Электр курилмаларининг холати ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик
чегаралари куйидагича белгиланади:

Имзолар:



Истеммолчи

Ф.И.О.



Корхона

Ф.И.О.

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
4-илова

ДАЛОЛАТНОМА
энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича

Энергияни хисобга олиш приборлари тармокларнинг бўлиниш чегарасида
урнатилмаган бўлса, энергия истрофлари хисоб-китоб йўли билан тармокларнинг баланс
мансублигини хисобга олган холда аникланади, бу:

а) _____ кВА кувватли трансформаторларда актив энергиянинг хар обдаги
истрофлари _____ кВт.соат ёки _____ фойзни, реактив энергиянинг истрофлари
_____ кВАр.соат ёки _____ фойзни ташкил килади;

б) Истевъомчининг кабел линияларида хар обдаги истрофлар:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ, _____ кВт.соат ёки _____ фойзни ташкил килади;

в) Истевъомчининг хаво линияларида хар обдаги истрофлар:

Узунлити _____ м;

Кесими _____ мм;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ, _____ кВт.соатни ёки _____ фойзни ташкил килади;

Ойлик йўқотилиш миқдори хисобот давридаги энергия истевъомли миқдорининг
_____ фойзини ташкил этади.

Корхона бир кунда _____ соат бир обда _____ кун ишлайди.
Сменалар бўйича юкламалар нисбати фойз хисобида I ___, II ___, III ___.

Имзолар:



Истевъомчи

Мирзумурод Султандиров

Ф.И.О.



Корхона

Мирзумурод Султандиров


Ф.И.О.

Электр таъминоти бўйича намунавий шартномага 5-илова

20__й. _____ ойн учун Электр энергияси (актив, реактив) сарбтаниши хүчиндээ мэдэгүйнэ.

Сарфланыши жөнүндө маалымат.
Электр хисоблагыч күрсөткүчини өзүб одиң санаси 20

Хисоблагич- нинг русуми (актив, реактив), завод раками, Инвентар раками	Хисоблаш коэффициенти		Электр хисоблагич кўрсаткичлари		Электр хисоблагич кўрсаткич- ларининг фарки	Сарф кВт.с, кВАр.с	Хисобга олинган максимал кувват, кВт, кВАр
	Ток трансфор- матори- нинг (ТТ)	Кучла- ниш трансфор- матори- нинг (КТ)	Умумий коэффи- циент	Бошлан- гич	Охирги		
Жами							



Инспарк

Истеммолчнинг раҳбари Абдурекон Абдуллаев (ф.и.о.)

20

Баш энергетик (Ф.И.О.)



100 J. D.